




1991 йил 1 январдан
чиқа бошлаган

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг газетаси

12 ФЕВРАЛЬ, ШАНБА № 31 (779).

Сотувда эркин нархда. 1994 йил.

ФЕРМЕРЛИК – ДЕҲҚОНЧИЛИГИМИЗНИНГ КЕЛАЖАГИ

Кеча Вазирлар Маҳкамасида мамлакат қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотни чуқурлаштириш масалаларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди



Йиғилишни республика Бош вазири А. Муталов бошқарди. Мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги ҳалқ хўжалигининг асосий тармоғи ҳисобланади. Шунинг учун ҳам уни ривожлантиришга катта эътибор берилмоқда. Чунки бу соҳада фойдаланилмаётган имкониятлар кўп. Шу сабабли республика ҳукумати қишлоқ хўжалигини юксалтириш мақсадида иқтисодий ислохотни изчил амалга ошириш юзасидан муттасил тадбирлар кўрсатмоқда.

Президент Ислам Каримовнинг 1991 йилда қабул қилган «Республикада деҳқон (фермер) хўжалиқларини янада мустақамлаш ва деҳқонлик фаолиятини давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги Фармони қишлоқ ҳаётида меҳнатга янги ҳаёт бағишлаган. Шунинг учун ҳам уни ривожлантиришга катта эътибор берилмоқда. Чунки бу соҳада фойдаланилмаётган имкониятлар кўп. Шу сабабли республика ҳукумати қишлоқ хўжалигини юксалтириш мақсадида иқтисодий ислохотни изчил амалга ошириш юзасидан муттасил тадбирлар кўрсатмоқда.

ҚИСКА САТРАДАРДА

УЮШМА
ХИМОЯ ҚИЛАДИ
Намангандаги мингта яқин фермер хўжалиқларининг манфаатларини ҳимоя қилгандаги ташкилот — вилоят фермер хўжалиқлари уюшмаси ташкил этилди. Янги ташкилот фермерлар манфаатларини ҳимоя қилишда ташкил, илгор тақрибани ўрганиш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш ва қайта ишлашнинг ҳорийий технологияларини жорий қилиш билан ҳам шуғулланади.

Янги уюшма дастлаб ўз жамғармасини ташкил этди. Фаолияти фермер хўжалиқларини ривожлантириш билан боғлиқ саноат ҳимояси бўлиди. Вилоят қишлоқ хўжалик-саноат уюшмаси, «Меҳнат-саноат-узулсаноат», «Гўшт-саноат», «Қишлоқ хўжалик-таъминот-ми» бирлашмалари ва бошқа ташкилотлар шулар жумласидандир. Улар янги жамғарма ҳисобида янги миляон сўм-купонга яқин пул ўтказишди.

Вилоят ҳокими Б. Рашидов уюшманинг фахрий раиси этиб сайланди.

«КОТЕКС»НИНГ
ҚУТЛУҒ ҚАДАМИ

Туркиянинг «Язекс» корпорацияси билан ҳамкорликда Нукус шаҳрида қуриб, битказилган, эндиликда маҳсулотларни нафақат республикаси, балки қатор хорижий давлатлар харидорларига ҳам манзур бўлаётган «Котекс» туқимачилик мажмуи аста-секин тилга тушмоқда. Бу ерда пахтага қайта ишлашдан тўғиб, турли хил русумдаги бекирим кийим-кечаслар ишлаб чиқаришга бўлган жара-

риладиган экан майдони, ем-хашак, чорва моллари, моддий ресурслар ажратилмоқда. Улар ўз фаолияти билан эндиликда қишлоқда ислохот пировард натижада деҳқонни бой-бадавлат, халқ дастурхонини туқин-сочин қилишига умид уйғотмоқда.

Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотни тубдан яхшилаш, чорвачиликда иқтисодий ислохотни янада чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида иккита қарор лойиҳаси тайёрланган эди.

Қарор лойиҳаларига кўра, деҳқон (фермер) хўжалиқларини ер билан таъминлаш яхшиланади, уларга яна 100 минг гектар сугориладиган ер майдони ажратиб берилди.

Хозир республикада 265

та давлат хўжалиги қолди. Уларнинг 150 таси шу йилнинг апрелида, қолганларини эса 1994 йил охирига қадар мулкчиликнинг хусусий, жамоа ва бошқа шаклларида ўтказиш кўзда тутилмоқда. Барча туманларда фермер ва тадбиркорлар эҳтиёжи учун нақд пулга ва пул ўтказиш йўли билан зарур эҳтиёт қисмлар ҳамда бошқача истеъмол маҳсулотлари сотиладиган дўконлар ташкил этиш, туман агро-саноат бирлашмалари ўрнида хўжалиқлар билан шартнома асосида ишлайдиган ташкилотлар тузиш мўлжалланмоқда. Қишлоқ ишбилармон ва тадбиркорларига имтиёзли кредит бериш, фермерларнинг ҳақ-хўқуқларини пухта ҳимоя қилиш мақсадида яна бир қанча тадбир-

лар амалга оширилади. Қарор лойиҳаларини муҳокама қилишда республикадаги жамоа, ширкат ва деҳқон (фермер) хўжалиқларининг вазирлик ва идора-ларнинг вакиллари иштирок этди. Улар мазкур қонун лойиҳалари қишлоқ хўжалигида ислохотни кенгайтириш, айнаси деҳқон (фермер) хўжалиқлари фаолиятини янада яхшилашга имкон яратилиши алоҳида таъкидлади, шунингдек, қишлоқ тадбиркорлари иш тажрибалари, фермерликни ривожлантиришдаги баъзи муаммолар хусусида ҳам тўхталди.

Муҳокама сўғида Бош вазирнинг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков сўзга чиқди. У мазкур қарор лойиҳалари Ўзбекистон Республикаси Президентининг

яқинда қабул қилган «Иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш, хусусий мулк манфаатларини ҳимоя қилиш ва тадбиркорликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонининг амалдаги таътиқи эканини, қишлоқ хўжалиги тараққиётини бундан буён асосан мулк эгалари — деҳқон (фермер) хўжалиқлари белгилаши тўғрисида гапирди.

(ЎзА).

СУРАТДА: Янгилик пай- пай. Р. НУРИДИНОВ олган сурат.

РАҚОБАТ БОЗОРНИ
БОЙИТАДИ
ПОИ нотўғима матолар ишлаб чиқариш бирлашмаси жамоаси бу йил аҳолининг газламаларга бўлган эҳтиёжини ҳисобга олиб, 4 миллион 830 минг квадрат метр маҳсулот чиқаришни режалаштирди. Яқинда бу ерда янги маҳсулот тайёрлайдиган иккита тармоқ фойдаланишга топширилди.

Шунингдек, бирлашмада туқима маҳсулотларини кў-

пайтириш мақсадида 158 та дастгоҳ ўрнатилди. Корхона оёққа турғазинида голландиялик мутахассислар ердам беришляпти. Бу ишларини тез орада самалаштириш, шубҳасиз. Маҳсулот кўп бўлса, рақобат пайдо бўлади. Бу эса бозорни бойитади.

Ю. ҲАМИДОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

КОРХОНА... ХИССАДОРЛИК ЖАМИЯТИГА АЙЛАНМОҚДА

тиёрига 5 мингдан ортиқ турли русумдаги автомобиллар бериб қўйилган. Ахил жамоамиз 1993 йил режаларини асосий кўрсаткичлар бўйича ошириб бажарди. Хусусан, йўловчилар ташини топшириш 109,3 шу йўналишда даромад олиш режаси 128,1 фоизга ошди. Республикада 19,7 миллион тонна юк ўз вақтида етказиб берилди. Бу — 1992 йилги кўрсаткичдан 947,7 минг тонна кўп. Хўш қайси омиллар ҳисобига ана шу натижаларга эришилди? Янги автомобиллар, эҳтиёт қисмлар, автошиналар, аккумуляторлар ва ёнгилаймоллаш маҳсулотлари таъминотида юзга келган қиличчиликларини бартараф этиш учун, аввало, ички имкониятлар ва резервларни қидириб топшига ҳаракат

• Таклиф, мулоҳаза

ЮРТИМИЗДА ЧИҚАРСА БЎЛАДИ!

Қозоғга бўлган талаб кундан кун кучаймоқда. Аммо қозоғ бизга четдан келтирилади. Бу эса катта-катта сарф-ҳарajatларни талаб этади. Ушбу муаммони ҳал қилиш, яъни ўзимизда ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мумкинми? Қўйида ана шу ҳақда сўз юритилади.

Маълумки, қозоғ ишлаб чиқаришда асосий хом ашё целлюлоза ҳисобланади. У кўпроқ ёғоч, пахта саноати чиқиндис — целлон пуши ва учинчи навли мومидан олинади. Республикада ёғоч материаллари етарли эмас. Қурилишнинг ўзида ҳам унга эҳтиёт катта. Шу жиҳатдан олганда, бу йўл билан қозоғ саноатини ривожлантириш қимматга тушади. Аммо Ўзбекистонда иккинчи манба — пахта саноати чиқиндис ва момикнинг энг паст навлан қозоғ олимдек бой имконият бор. Биринчидан, бу маҳсулотлар республикада етарли ва арзон хом ашё саналади.

Иккинчидан, эса уларнинг юқори даражадаги қиммат хусусияти кераклики миндордаги қозоғни харид қилиб келтиришдан кўра ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш фойдали эканлигини кўрсатади.

Олимларнинг башорат қилишларича, бир тонна целлюлоза олиш учун беш кубометр ёғоч маҳсулотини ёки 1,3 тонна момик керак бўлар экан. Ўнг яхши ёғоч таркибда эллик фойзага целлюлоза бор. Момикда эса кўпроқ саттич туқсон фойзага туғри келади. Демак, момик ва целлон пушининг бой захирага эга бўлган республикада қозоғ саноатини ривожлантиришнинг чексиз имкониятлари мавжуд. Мамлакатимизда ишлаб турган ёғоч комбинатлари бир йилда икки миллион тоннадан ортиқ чигитини қабул қилиб олади. Уларнинг таркибидида етти-саккиз фойза паст навлли момик бор. Ушбу

қийинчиликлар бу ҳамкорлик ҳаёлати бера бошлайди. Бу вазирнинг бартараф этиш учун корхона Москвада ўз ваколатхонасини очди. Ваколатхона ҳисобида Андижондан келтирилган маҳсулот учун тулган пул сақланади. Бу — Россиянинг қўлига минтақалардан, шунингдек МДХдаги бошқа мамлакатлардан хомашё, фойзалар ва эҳтиёт қисмлар сотиб олиш имконини беради. Ваколатхона савдо операциялари ўтказиш учун мос ижара оморлар ва бошқа биноларга эга. Келажакда бу ерда фирма дўнони очиш кўзда тутилмоқда.

А. ТУРСУНОВ,
М. ҚУРБОНОВА,
Б. ТУРСУНОВ,
Ўзбекистон ФА ишлаб чиқариш кўчаларини ўрганиш кенгаши аспирантлари.

«МДХ ДАРЧА»СИ

Андижон тикув ишлаб чиқариш бирлашмасининг омилдор мутахассислари МДХдаги бошқа мамлакатларга пул туловлари ўтмаётгани туфайли вужудга келган қийинчиликдан қутилиш йўлини топди.

Корхона ўттиз йилдан бери олиш шимол шароитида ишлайдиган кишилар учун иссиқ кийим тикиш билан шуғулланади. Собиқ иттифоқ тарқаётганда кейин ҳам андижонлик тикувчилар Россия Федерациясидан кийимлик мато олиб, ўзлари тайёр маҳсулот юбюриб турарди. Бироқ, сўнгги пайтларда бонхона тўсиқлари, ўзаро ҳисоб-китоб соҳаси

Жаҳон автомобилсозлиги таърибасидан маълумки, ҳар йили техниканинг 10 фоизи янгилини бориши керак. Агар шу тартиб қўллангани бўлса, бирлашмада бўйича 20 та автобус, 70—80 та такси сотиб олишга туғри келади. Албатта, ушбу муаммонинг ҳал этилиши давлатлараро мусобатларга боғлиқ. Ўтган йили автокорхоналаримиз 154 та янги автомобильга қўйди. Шундан 75 таси автобус, 54 таси такси. Бундан ташқари, Жанубий Кореядан келтирилган 110 тадан ортиқ замонавий автобус йўловчиларнинг оғирини енгил, манзилни яқин қилмоқда.

Айни кўнларда бирлашма-мизга қарашли корхоналар-ни давлат тасарруфидан чиқариш тадбирлари босқич-ма босқич амалга оширилмоқда. Яқинда 5 та автокорхона ёпиқ ҳолдаги ҳис-содорлик жамиятларига айлан-тирилмоқда.

Махмуд ЖУРАЕВ,
«Фарғонага» ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи, вилот кенгаши депутати, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган транспорт ходими.

